

**«Дехқонобод калий заводи» АЖ бошқарувининг 2022 йил якуни
билан молиявий хўжалик фаолияти ва бизнес режа
кўрсаткичларининг бажарилиши бўйича ҳисоботи**

2022 йил якуни билан амалдаги нархларда 1 242,9 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди (режа бажарилиши 119,4%), ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати 81,8% ни ташкил этди.

Ҳисобот даври давомида соф ҳолда 231,0 минг тонна режалаштирилган бўлиб, амалда 197,8 минг тонна калий хлорид ишлаб чиқарилиб, режа бажарилиши 85,6% ни ташкил этган (2021 йил якуни билан 197,4 минг тонна калий хлорид ишлаб чиқарилган).

Республика кластер хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларни агротехник муддатларда азотли, фосфорли ва калийли ўғитлар билан етарли миқдорда таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 7 апрел 159-сон фармойишига мувофиқ 2022 йилда физик ҳолда 385 минг тонна калий хлорид ишлаб чиқарилиши, 284,5 минг тоннаси экспорт қилиниши кўзда тутилган.

2022 йил 284,5 минг тонна 78,2 млн. долларлик калий хлорид экспорт қилиш режалаштирилган бўлиб, амалда 145,4 минг тонна (51,1% фоиз) 74,2 млн. долларлик (94,9 %) маҳсулотлар экспорт қилинди.

Жамият бизнес-режаси кўрсаткичларининг бажарилиши

(млн. сўм)

Кўрсаткичлар	Бизнес-режа	Амалда	Ўзгаришлар	
			+/-	%
Сотилган маҳсулот	1 047 179,3	1 075 960	28 781	103%
Давр харажатлари, жами	184 570	201 242,1	16 672,1	109%
<i>шу жумладан:</i>				
<i>сотиш харажатлари</i>	43 144	40 718,4	-2 425,6	94,3
<i>маъмурий харажатлар</i>	19 508	22 022,5	2 514,5	112,8
<i>бошқа операцион харажатлар</i>	121 918	138 501,4	16 583,4	113,6
Соф фойда	102 407	346 027	243 619,9	338%

2022 йил якунларига кўра сотишдан тушган даромад прогнозга нисбатан 28 781 млн сўмга (103 %), давр харажатлари эса 16 672,1 млн. сўмга (109%) кўпайган, бунда маъмурий харажатлар режага нисбатан 2 514,5 млн сўмга ва бошқа операцион харажатлар 16 583,4 млн сўмга ошган.

Асосий фаолиятнинг бошқа даромадларидан 2,3 млрд. сўмлик қўшимча даромад олинди.

Жамиятда 2022 йил якуни бўйича 102 407,0 млн. сўм соф фойда олиш режалаштирилган бўлиб, амалда 346 027,0 млн. сўм соф фойда олинди. Соф фойда кўрсаткичи 338% га бажарилди ёки соф фойда ҳажми 243 619 млн. сўмга кўпайди. Сотилган маҳсулотларнинг рентабеллиги 32 фоизни ташкил этди.

Молиявий натижалар таҳлили

(млн сўм)

Кўрсаткичлар	2021 йил	2022 йил	Ўзгаришлар	
			+/-	%
Соф тушум	666 795,9	1 075 960	409 164,1	161,3
Сотилган маҳсулотларнинг таннари	282 382,2	281 805	- 577,2	99,8
Маҳсулотларни сотишнинг ялпи фойдаси	384 413,6	794 155	409 741,4	206,5
Давр харажатлари	148 762,1	201 242	52 480	135,2
Асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари	1 919,7	2 300	380,3	119,8
Асосий фаолиятнинг фойдаси	237 571,4	595 213	357 641,6	250,5
Молиявий фаолиятнинг даромадлари	72 364,4	277 227	204862,6	383
Молиявий фаолият бўйича харажатлар	241 479,2	462 673,7	221 194,5	191,6
Ҳисобот даврининг соф фойдаси	57 410,2	346 027,0	288 616,8	602,7

“Деҳқонобод калий заводи” АЖ нинг 2022 йилдаги даромадлари таҳлили кўра, молиявий натижаларнинг ўтган йилнинг шу даврига нисбатан юқори ўсишига эришилди. Корхонанинг соф тушуми ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 409 164,1 млн. сўмга (161,3 фоиз) ошди, ялпи фойдаси эса 288 616,8 млн. сўмга (602,7 фоиз) ошди, бунинг натижасида корхонанинг 2022 йил якуни билан 346 027 млн. сўм соф фойда олинди.

Харажатлар таҳлили

(млн. сўм)

Кўрсаткичлар	2021 йил	2022 йил	Ўзгаришлар	
			+/-	%
Сотилган маҳсулот	666 795,9	1 075 960	409 164,1	161,3%
Давр харажатлари, жами	148 762,1	201 242,1	52 480	135,2
<i>шу жумладан:</i>				
<i>сотиш харажатлари</i>	32 752,1	40 718,4	7 966,3	124,3
<i>маъмурий харажатлар</i>	14 452,1	22 022,5	7 570,4	152,3
<i>бошқа операцион харажатлар</i>	101 557,8	138 501,2	36 943,4	136,3

Жамиятнинг 2022 йилнинг якуний молиявий кўрсаткичлари таҳлили шуни кўрсатадики, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан маҳсулоти 409 164,1 млн сўмга (161,3 фоиз) кўп сотилган бўлса, давр харажатлари 40 718,4 млн сўмга (124,3 фоиз) ошган, шундан сотиш харажатлари 7 966,3 млн сўмга (124,3 фоиз), маъмурий харажатлар 7 570,4 млн сўмга (152,3 фоиз), бошқа операцион харажатлари эса 36 943,4 млн сўмга (136,3 фоиз).

Дебиторлик ва кредиторлик қарздорликлар таҳлили

(млн сўм)

Т/р	Кўрсаткичлар	Йил бошида	шундан муддати ўтган	Йил якунида	шундан муддати ўтган	ўзгаришлар	
						+/-	%
1.	Дебитор қарздорлик	1755486,3	-	1769609,2	-	14 122,9	100,8
	жумладан савдо бўйича	72 261,2	-	63 780,4	-	-8 480,8	88,3
2.	Кредитор қарздорлик	59 432,8	-	30 605,8	-	-28 827	51,4
	жумладан савдо бўйича	11 750,3	-	9 464,3	-	-2 286	80,5

Ҳисобот йили боши билан солиштирганда жами дебитор қарздорлик 14 122,9 млн. сўмга ошган бўлиб, савдо бўйича 8 480,8 млн. сўмга камайган.

Йил бошига нисбатан солиштирганда кредиторлик қарздорлик 28 827 млн. сўмга камайган, шундан савдо бўйича 2 286 млн. сўмга камайган.

Жамият фаолиятининг асосий ишлаб чиқариш самарадорлик кўрсаткичларининг бажарилиши

Йил якунлари бўйича ҳисоботлар асосида ҳисобланган жамият фаолиятининг асосий ишлаб чиқариш самарадорлик кўрсаткичлари асосий самарадорлик кўрсаткичлари бўйича 93,8 %, Қўшимча самарадорлик кўрсаткичлари бўйича 88,7 %, самарадорликнинг интеграл коэффиценти эса 91,3 % ни ташкил этди.

Бошқарув раиси



Р.Усаров

